

МАЪРУЗАЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

“Маъмурий жавобгарлик”

Маъруза мавзуси: *Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва хусусиятлари*

Маърузачи: Р.С.Алтиев

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 4-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Маъмурий жавобгарлик тушунчаси. Маъмурий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари. Маъмурий жавобгарликнинг юридик жавобгарликда тутган ўрни. Маъмурий жавобгарликнинг жиноий жавобгарликдан фарқи. Маъмурий жавобгарликнинг турлари: вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги; мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги; хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги; хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги. Зарурий мунофаа. Охирги зарурат. Ҳукукбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳукук институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллаш олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш, қонунларни амалиётга қўллаш олиш тайёрлаш кўникмасига эга бўлади;

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида маъмурий жазо чоралари ва унинг мақсади тушунтирилади;
- ✓ Қонунчилик ҳужжатлари ўрганилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;

- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топширик сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Маъмурий жавобгарлик** – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.
- **Маъмурий жавобгарлик тушунчаси.** Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, маъмурий жавобгарлик маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг кўриниши бўлиб, унинг барча хусусиятларига эгадир.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Маъмурий жавобгарлик тушунчаси. Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, маъмурий жавобгарлик маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг кўриниши бўлиб, унинг барча хусусиятларига эгадир.

Маъмурий жавобгарликка юридик жавобгарликнинг барча хусусиятлари ҳам хосдир. У ҳуқуқий меъёрлар асосида ўрнатилади, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади ва ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан ўрнатилган процессуал тартибда ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган санксияларни қўллашда ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик масаласи кўпгина ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти бу масалага деярли бир хилда ёндошган: маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

биринчидан, маъмурий жавобгарлик қонунлар билан ҳам, қонуности ҳужжатлари билан ҳам ўрнатилади, яъни у ўзининг меъёрий-ҳуқуқий асосига эгадир. Жиноий жавобгарлик – фақат қонунлар билан, интизомий жавобгарлик – қонун ва қонуности ҳужжатлари билан, моддий жавобгарлик – меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланади;

иккинчидан, маъмурий жавобгарликнинг асоси бўлиб – маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (қонун бузилиши ва ножўя хатти-ҳаракат кўринишида). Жиноий жавобгарликда – жиноят, интизомий жавобгарликда – интизомий ножўя хатти-ҳаракат, моддий жавобгарликда – моддий зарар етказиш ҳисобланади;

учинчидан, маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахслар намоён бўлади. Жиноий жавобгарликда – фуқаролар ва мансабдор шахслар, интизомий жавобгарликда – ходим (жамоа субъектларининг интизомий жавобгарлиги юридик адабиётларда мунозарали бўлиб келмоқда), моддий жавобгарликда - ходим (меҳнат қонунчилиги бўйича), юридик ва жисмоний шахслар (фуқаролик қонунчилиги бўйича) субъект бўлиши мумкин;

тўртинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Жиноят учун – жиноий жазо, интизомий ножўя хатти-ҳаракат учун – интизомий жазо, моддий зарар етказиш учун – мулкӣ жазо қўлланилади;

бешинчидан, маъмурий жавобгарлик қонун ҳужжатларига биноан кенг доирадаги давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан қўлланилади. Жиноий жавобгарлик – суд органлари томонидан, интизомий жавобгарлик - юқори турувчи давлат органи (мансабдор шахс) томонидан, моддий жавобгарлик – суд органлари томонидан қўлланилади;

олтинчидан, маъмурий жавобгарлик судланганлик ҳолатини ёки ишдан бўшатишни юзага келтирмайди, жиноий жавобгарликда - судланганлик юзага келади, интизомийда – ишдан бўшатиш мумкин;

еттинчидан, маъмурий жавобгарликни қўллаш учун, бўйсинувнинг бўлиши шарт эмас, интизомий жавобгарликни қўллашда эса бўйсинув мавжуд бўлади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги - Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори тортилади.

Юридик шахсга тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка юридик шахсинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси тортилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг тақрорийлиги ҳисобга олинмайди, МЖТКнинг 321-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эғалик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқӣ хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эғалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

Зарурий мудофаа – МЖТКда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгилловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахсинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқӣ тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

Охирги зарурат - МЖТКда ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахсинг ёхуд бошқа шахсинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Маъмурий жавобгарлик тушунчасини тушунтириб беринг.

- Маъмурий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.
- Маъмурий жавобгарликнинг юридик жавобгарлик тизимида тутган ўрнини тушунтириб беринг.
- Маъмурий жавобгарликнинг жиноий жавобгарликдан фарқли жиҳатларини тушунтириб беринг.
- Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини тушунтиринг.
- Зарурий мудофаа моҳиятини тушунтиринг.
- Охирги зарурат моҳиятини тушунтиринг.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси очиб беринг.
2. Маъмурий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.
3. Маъмурий жавобгарликнинг юридик жавобгарликда тутган ўрнини тушунтиринг.
4. Маъмурий жавобгарликнинг жиноий жавобгарликдан фарқини тушунтириб беринг.
5. Маъмурий жавобгарликнинг турлари: вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги; мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги; хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги; хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини тушунтириб беринг.
6. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳақида гапиринг.
7. Зарурий мудофаа моҳиятини тушунтиринг.
8. Охирги заруратни моҳиятини тушунтиринг.

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й. қабул қилинган.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган.
- 3) Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎзР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
- 4) “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон Қонуни билан қабул қилинган // ЎзР ОМПА, 2010 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎзР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.
- 6) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.:УМЭД, 2004. – 234 с
- 7) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденсия йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев.– Т.: 2006.– 800 б.
- 8) Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориев ва Б.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.

9) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 608 б.